O'ZBEKISTON ... INV.№
201000

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 19 сентябр сешанба

Сотувда эркин нархда № 183-184 (2480-2481)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## «ЎЗБЕКИСТОН МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА»

***Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида» китоби араб тилида чоп этилди.***




Китоб мамлакатимиз тарихи ва ҳозирги куни, хусусан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва диний ҳаётида эришилган ютуқларни араб давлатлари афкор оммасига таништиришга қаратилган.

Китобда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг долзарб мавзудаги боблари ўз аксини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис сессиялари ҳамда Тошкент Ислом университети, Имом ал-Бухорий, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуалари очилиши ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналаридаги нутқлари китобдан ўрин олган.

Бундан ташқари, «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китоби, Президентнинг Ўзбекистон мусулмонларига Рамазон ҳайити табриги, Вазирлар Маҳкамасининг муборак Ҳаж сафарига борувчиларга кўмак бериш тўғрисидаги қарори киритилган.

«Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида» китобига Дубай амирлигининг ҳукмрон оила сулоласи вакили шайх Муҳаммад бин Халифа Ол Мактум муқаддима ёзган.

Муқаддимада Ўзбекистон асрлар давомида тарих ва илм маркази бўлиб келгани алоҳида таъкидланади. Айни пайтда бу мамлакат хорижий сармоядорлар ва савдо-сотиқ учун қулай имкониятлар яратиб, ривожланиш ва тараққиёт йўлида собит қадам ташламоқда. Бунда, муаллифнинг таъкидлашича, мамлакат раҳбари — Президент Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир.

**«Жаҳон» АА.**

## «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» МАРАТ САФИННИ ЖАҲОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ ТЕННИСЧИСИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРДИ



***17 сентябр куни деярли бир ҳафта давом этган улкан теннис байрами — Ўзбекистон Республикаси “Президент кубоги” мусобақалари ниҳоясига етди. Турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида Президент Ислом Каримов иштирок этди.***



“Президент кубоги” турнири еттинчи бор зўр муваффақият билан ўтказилди. Бу гал ҳам, аввалги йиллардаги каби, мусобақага дунё теннисининг энг номдор, зарби зўр вакиллари ташриф буюрдилар. Улар сафида Евгений Кафелников, Карлос Мойя, Грег Руседски, Седрик Пиолин сингари йигирмадан ортиқ мамлакатдан келган забардаст спортчилар бор эдилар. Яқиндагина АҚШ очиқ биринчилиги мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган Марат Сафиннинг “Президент кубоги”даги иштироки эса турнирга алоҳида улуғворлик бағишлади. Россиялик бу машҳур спортчи мазкур турнирда илгари ҳам икки бор иштирок этган эди

Турнирнинг дастлабки босқичлариданоқ теннисчилар чиройли ўйин кўрсатиш, ўз имкониятларини тўла намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Бироқ на турнирнинг биринчи ракеткаси Евгений Кафелников ва Грег Руседски, на Карлос Мойя ва Седрик Пиолин финал босқичига йўлланма ола билди. Улар дастлабки турлардаёқ ўз ракеткасини ғилофига жойлашга мажбур бўлдилар. Тошкент турнирида жаҳоннинг етакчи теннисчиларининг бундай мағлубияти мусобақа даражаси жуда юқори бўлгани, рақобат кучлилиги, қолаверса, “Президент кубоги” спортчиларга машҳурлигу маҳоратнинг янги-янги поғоналари сари йўл очувчи ўзига хос мактабга айлангани билан изоҳланади.

“Президент кубоги”нинг ярим финалида италиялик Давидэ Сангинетти франциялик Жюльен Боутерни 7:6 (5), 7:6 (4), россиялик Марат Сафин эса швейцариялик Жорж Бастлни 6:2, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шундай қилиб, “Президент кубоги” финалида Д.Сангинетти ва М.Сафин бақамти келди.

Эслатиб ўтамиз, “Президент кубоги” финали ғолиби 35 рейтинг очкосига, унинг иштирокчиси эса 25 рейтинг очкосига эга бўлади. М.Сафиннинг ярим финалда рақибини енгиб, финалга йўлланма олиши унинг жаҳон теннис таснифида биринчи ўринга кўтарилишини таъминлади! Марат Сафин илк бор Тошкентда дунёнинг биринчи рақамли ракеткаси — энг уста теннисчи сифатида кортга чиқди! Бошқача айтганда, жаҳоннинг навбатдаги энг кучли теннисчиси Тошкентда “туғилди”.

Италиялик Давидэ Сангинетти 28 ёшда. Бу йилги мавсумда, асосан, “Челленжер” туркумига кирувчи турнирларда ўйнаб келаётган эди. Лондонда ўтказилган АТП Тур туркумига кирувчи турнирлардан бирининг ярим финалида у америкалик таниқли теннисчи Пит Сампрасга ютқазиб қўйганди. Тошкентдаги турнирда эса кутилмаганда Е.Кафелниковни мағлуб этиб, ўзига хос шов-шувга сабабчи бўлди.

Россиялик ёш теннис юлдузи Марат Сафин учун бу йилги мавсум ниҳоятда омадли келди. У ўзининг янги мураббийси, бир вақтлар Россиянинг биринчи рақамли теннисчиси бўлган Андрей Чесноков билан машқ қила бошлагач, дастлаб Барселона ва Майоркадаги турнирларда, сўнгра Торонтода “Теннис мастерс” туркумига кирувчи йирик мусобақада ғолиб бўлди. АҚШ очиқ биринчилигидаги ғалаба М.Сафиннинг иродали ўйинчи эканлигини кўрсатган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Президенти кубоги” уни жаҳоннинг энг кучли теннисчиси мартабасига олиб чиқди.

“Президент кубоги” турнири финали биринчи сетининг дастлабки гейми Д.Сангинетти фойдасига ҳал бўлса-да, М.Сафиндек номдор рақиб олдидаги ҳаяжонланиш ва асабийлашиш унинг ўйинига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. У тўп оширишда кетма-кет хатога йўл қўйиб, бирин-кетин геймларни бой берди. Натижада М.Сафин биринчи сетда рақибини 6:3 ҳисобида осонгина мағлубиятга учратди.

Иккинчи сетда Д.Сангинетти вазиятни ўзгартиришга ҳар қанча уринмасин, уддасидан чиқолмади. У М.Сафиннинг тезлиги соатига 200 километрдан ошадиган тўпларини қайтаришга ожизлик қилиб қолди. Россиялик ёш теннисчининг катта-катта турнирларда қатнашиб, тўплаган тажрибаси ва юксак маҳорати ўйин тақдирини ҳал қилди. М.Сафин иккинчи сетда 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди ва Ўзбекистон Президенти кубогини қўлга киритди.

“Президент кубоги” теннис турнирининг ташкилотчиси Сассон Какшури ғолибларни тақдирлаш маросимни очар экан, мусобақа зўр муваффақиятлар билан якунланганини алоҳида таъкидлади. У теннис ривожига эътибор ва халқ саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар борасида Ислом Каримов дунёдаги энг илғор президентдир, деди.

Маросимда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Бутун ҳафта давомида “Юнусобод” кортларида ва телевизор орқали спортчиларнинг муросасиз баҳсларини томоша қилганларнинг барчаси шу кунларда спортнинг жозибадор ва қизиқарли тури бўлмиш катта теннис билан яшади, десам янглишмайман, — деди, жумладан, давлатимиз раҳбари. — Мазкур турнир республикамизда теннисниг оммалашувини янада кучайтирди. Ушбу нуфузли спорт турининг ҳар бир мактаб, ўқув муассасаси, ҳар бир шаҳар ва аҳоли пункти, ҳар бир оилага кириб боришига кўмаклашди, десам, фикримга қўшиласиз, деб ўйлайман. Мен ушбу юксак минбардан туриб, мусобақанинг ҳар бир иштирокчисига мазкур мафтункор спорт тури мухлисларига тақдим этган унутилмас лаҳзалар учун қутлов ва миннатдорлик изҳор этишни истар эдим.

Ислом Каримов билдирилган улкан умидни оқлаш учун ўзларининг юксалиб бораётган маҳоратларини намойиш этган ўзбекистонлик теннис усталарига ҳам ташаккур изҳор этди. Юртбошимиз, шунингдек, АТП Тур ижрочи директори Марк Майлзга, турнир ташкилотчиларига, ҳакамларга ва журналистларга миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг маросимнинг энг ҳаяжонли дамлари бошланди. Ислом Каримов “Президент кубоги” турнири ғолиби Марат Сафин ва иккинчи ўрин соҳиби Давидэ Сангинеттига совринларни тантанали равишда топширди. Уларга, одатимизга кўра, зарбоф тўн ва дўппи кийдирилди. “Президент кубоги”нинг ўтган йилги финалчиси ва бу йилги ярим финалчиси, ажойиб теннисчи Жорж Бастлга ҳам зарбоф тўн ва дўппи ҳадя этилди.

Маросимда сўз олган “Президент кубоги” турнирининг ғолиби Марат Сафин давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга мана шундай ажойиб мусобақани уюштиргани ва финал учрашувини томоша қилишга шахсан ташриф буюргани учун миннатдорлик изҳор этди. «Тошкентда ўтадиган мусобақаларда қатнашиш менга ҳузур бағишлайди. Чунки мен бу ерда ҳар доим мухлисларимнинг чин дилдан қўллаб-қувватлашларини ҳис қилиб тураман», деди у.

Шундай қилиб, деярли бир ҳафта давом этган катта теннис байрами ниҳоясига етди. Тошкентдаги бу мусобақа дунёга навбатдаги биринчи рақамли теннисчини ҳадя этгани билан бутун жаҳондаги спорт мухлислари ёдида қоладиган бўлди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** турнирнинг ёпилиш маросимидан лавҳалар.
**Муҳаммад АМИН олган суратлар.**

## Семинар бошланди

Тошкентда тренинг маркази ўқитувчиларининг семинари очилди. Марказ тез орада Давлатлараро сув хўжалиги мувофиқлаштириш комиссияси ҳузурида ўз фаолиятини бошлайди. Сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этишда Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда ўқув марказлари иштирок этдилар.

Семинар очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев сув хўжалиги мутахассисларининг малакавий тайёргарлигини ошириш, самарали ўқув тизимини ташкил этиш, шубҳасиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланишига, сув хўжалиги муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беришини таъкидлади.

Семинар бир ҳафта давом этади.

**(ЎзА).**

## БИРИНЧИ ТЕРИМДАЁҚ РЕЖА БАЖАРИЛДИ



«Пахта-2000»

**АНДИЖОН** тумани пахтакорлари 6113 гектар ердан 17890 тонна «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олиб, йиллик шартнома режасини бажардилар. Ҳосилнинг деярли барчаси биринчи навга сотилди.

— Эсимни танибманки, даладаман. Шунча йил ишлаб пахтанинг бу йилгидек эрта пишганини, ҳосилнинг қисқа муддатларда йиғиштириб олинганини энди кўришим, — дейди И. Бакиров номли ширкат хўжалигининг бригада бошлиғи Исроилжон Рўзиматов. — Биринчи теримдаёқ режани бажардик. Худо хоҳласа, ҳосилдорликни 50 центнерга етказамиз.

— Пахтачиликдаги бундай ютуқларнинг бош омили нимада?

— Аввало, нав яхши, деҳқонбоп. Илгари ўз тажрибамизда синаб кўрган «Оқдарё-6» навини танлаб, чигитни плёнка остига қадаганимиз қўл келди. Қўшқатордаги кўчат қалинлиги якка қаторга қараганда 1,5-2 ҳисса кўп бўлишини таъминлади.

Ҳа, бойлик ўз-ўзидан келмагани каби муваффақиятларга ҳам осонликча эришилмайди. Айниқса, пахтачиликда. Туман деҳқонлари ҳар бир тадбирни илмий асосда олиб бориш, янгиликларга дадил қўл уриш, ерга ўз томорқасидай муносабатда бўлиш туфайли тармоқда туб бурилиш ясадилар. Б. Омонов номли, «Ўзбекистон», «Ойдинбулоқ» ва бошқа хўжаликларда бу йил 2500 гектар ерга пахтанинг «Оқдарё-6» нави экилди. Ана шу майдонлар ижарачиларга шартнома асосида бўлиб берилди. Натижада пахтанинг августда очилиши ва сентябрнинг биринчи ярмига келиб йиллик режанинг уддаланиши таъминланди.

Асосий экин майдони адирликлардан иборат бўлган Андижон тумани далаларида йиғим-терим қизғин давом этмоқда. «Пахтабанк»нинг туман бўлими теримчиларни ҳар беш кунда меҳнатига қараб нақд пул билан рағбатлантириб бормоқда. Ҳамжиҳатлик, моддий манфаатдорлик туман деҳқонларини руҳлантириб юборди. Улар ялпи ҳосилни 21 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Муштарак мақсадлар*

## ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР НАМОЙИШИ

**Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг «Мингйиллик саммити» бугунги кунда ҳам халқаро ҳамжамият эътиборида турибди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу нуфузли халқаро ташкилот минбаридан туриб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимини ислоҳ қилиш ва Хавфсизлик Кенгашининг доимий ҳамда муваққат вакиллари таркибини кенгайтириш хусусида билдирган таклифи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.**

**Мухбиримизнинг Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Чанг ХУН билан суҳбати ана шу ҳақда бўлди.**

— Маълумки, БМТ 55 йилдан буён минтақалар ва жаҳон ҳамжамиятига дахлдор энг муҳим муаммоларни, қолаверса, бугун ва эртага туғилиши мумкин бўлган масалаларни ечишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди элчи жаноблари. — Шу давр ичида БМТнинг халқаро зиддият ва ихтилофларни тинч йўл билан ҳал қилиш, Ер куррасида ирқчилик ва мустамлакачиликни тугатиш, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш борасида олиб борган саъй-ҳаракатлари эътиборга моликдир. Бу билан мен БМТ олдида турган муаммолар йўқ демоқчи эмасман. Чунки ушбу ташкилот нафақат дунё хавфсизлиги, балки экология ва атроф муҳит масалаларини ҳам четлаб ўтолмайди. Ҳозирги кунда Орол денгизи билан боғлиқ муаммолар сайёрамиз учун нақадар хатарли ва таҳликали эканлигини эслатиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари, Ер юзида кўпгина ихтилофли нуқталар мавжудки, ҳали кўпчилик бу ҳақда етарли маълумотга эга эмас. Нью-Йоркда бўлиб ўтган мулоқотларда бу каби долзарб муаммоларнинг муҳокама қилинганлиги саммитни мазмунан бойитди.

**— Сиз холис дипломат сифатида ушбу саммитда Ўзбекистон иштироки ва Президентимизнинг билдирган ташаббуслари хусусида нималар дея оласиз?**

— Аввало, шуни айтиш кераки, мамлакатингизнинг жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, тинчликсевар давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда тараққиётга эришишнинг ўзига хос йўлини танлагани мени жуда қувонтиради. Бугунги кунда Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини тинч-тотув яшаш, барқарорлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида амалга ошириб, жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори ошиб бормоқда. Шу боис ҳам мамлакатингиз жаҳон ҳамжамиятига дадил қадамлар билан кириб бормоқда. Айтиш мумкинки, мамлакатингиз ташқи сиёсатда тутган йўли билан БМТ ўзининг серқирра фаолиятида Ўзбекистонга бемалол таяниши мумкинлигини кўрсатди. Президент Ислом Каримовнинг «Мингйиллик саммити»даги нутқи эса бу йўлда ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. У ўз нутқида ўта муҳим ва ҳаётий ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш хусусидаги таклиф кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлди. Негаки, ушбу ташаббус дунёда ялпи хавфсизликни ўрнатиш йўлида хизмат қилиши шубҳасиздир. Қолаверса, халқларнинг осойишталиги, ўзаро хавфсизлигидан-да буюкроқ бахт йўқлигига қатъий ишонч ортиб бораётган бир вақтда Ўзбекистоннинг тинчлик ташаббуслари, ҳақиқатан ҳам, муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, БМТнинг «Мингйиллик саммити» мамлакатингиз мавқеини, сиёсий иродасини ва жаҳон тараққиётига кучли таъсир кўрсатаётганини яна бир бор намойиш қилган катта ҳодиса бўлди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фурқат САНАЕВ**
**суҳбатлашди.**

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия ички ишлар вазири Садеттин Тантан Ўзбекистон ички ишлар вазири З.Алматов билан учрашди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Мингйиллик саммити” доирасида Туркия раҳбари Аҳмет Неждет Сезер билан учрашган ва ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, терроpчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ҳамда наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилган эди. Ички ишлар вазирларининг Тошкентдаги учрашуви Нью-Йоркда бўлиб ўтган ўша музокараларнинг узвий давоми бўлди. Унда томонлар хавфсизликка таҳдид солаётган муаммоларни бартараф қилишда ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш масаласини муҳокама қилдилар. Ички ишлар вазирликлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, тажриба ва ахборот алмашиш муҳимлиги таъкидланди.

С.Тантан бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарияти билан ҳам учрашиб, ўзаро ҳамкорлик борасидаги масалаларни муҳокама қилди.

**(ЎзА).**

## «БУ ЙЎЛИНГДАН ҚАЙТ, БОЛАМ»

Ўз уйимиз, мамлакатимиз осойишталиги ва фаровонлиги кўп жиҳатдан оилаларимизда қандай фарзандлар тарбия топаётганига, ҳар биримизнинг масъулиятимизга боғлиқ. Наманганда бўлиб ўтган йиғилишда ана шу ҳақда сўз борди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида” ги Фармонига алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳар жамоатчилиги йиғилишида Фармон эълон қилинганидан сўнг уйига қайтган йигитларнинг ота-оналари сўзга чиқдилар.

— Ўғлим бағримга қайтиб келганидан бениҳоя шодман, — деди “Ўзбекистон” маҳалласида истиқомат қилувчи Иминжон Абдураҳмонов. — Менинг ўғлим ва бутун оиламиз Президентимиз, бутун халқимиз олдида билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

— Президентимизнинг адашиб террорчилар қаторига кириб қолган ёшларга қайтиш имконини берувчи Фармони ҳақидаги хабарни эшитган ўғлим Фазлидддин Мамадалиев уйга қайтиб келди, — деди наманганлик Фотимахон Ҳотамова. — Ишонаманки, Фармон ўғлимга ҳам татбиқ этилади.

Шундан сўнг ҳозирги кунда ҳам террорчилар орасида юрган йигитларнинг ота-оналари сўз сўращди.

— Менинг гапларимни эшитаётган бўлсанг, қайт, ўғлим, — деди фарзанди Дилшодга қарата Охунбобоев номли маҳаллада истиқомат қилувчи Ғолиб Ҳожиев. — Қанча умрим қолганини билмайман. Бундан буён қандай яшашим, одамлар орасида бош кўтариб юришим энди сенга боғлиқ бўлиб қолди, болам.

Наманганлик қария Фатҳиддин Зокировнинг ёлғиз ўғли — Ҳалим ҳам Ватанидан узоқда, террорчи гуруҳлар орасида юрибди.

— Президентимиз адашиб, бегона юртларда юрган ёшларимизга қайтиш имконини берди. Кеч бўлмасдан, ортга қайтгин, ўғлим, — деди Ф.Зокиров ўз чиқишида.

Мажлисда сўзга чиққан бошқа иштирокчилар — раислар, маҳалла йиғинлари фаоллари ўз уйини, умумий уйимиз — Ватанни асраш зарурлиги хусусида тўхталишди. Шунингдек, шаҳарнинг барча маҳаллаларида кеча-кундуз навбатчилик ташкил этилгани қайд қилинди. Бугунги кунда огоҳликка даъват, ҳушёрликни сақлаш айниқса аҳамиятлидир.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 31 август.

24

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

# РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДА

**«Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари**
**2000 йил**

ралари ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан белгиланади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари билан келишилади.

Кузатув зонасида қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик фаолиятига доир чекловлар жорий этилиши мумкин.

Кузатув зонасида ва санитария-муҳофаза зонасида радиациявий аварияни бартараф этиш чора-тадбирлари амал қилиши татбиқ этилади.

Санитария-муҳофаза зонаси ҳамда кузатув зонасини белгилаб қўйиш оқибатида етказилган зарарлар ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

**21-модда. Радиоактив чиқиндиларни сақлаш ёки кўмиб ташлаш**

Радиоактив чиқиндиларни сақлашда ёки кўмиб ташлашда уларнинг атроф муҳитдан ажратиб қўйилиши таъминланган бўлиши керак.

Радиоактив чиқиндиларни йиғиш ва кўмиб ташлашни ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

**22-модда. Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш**

18

**7-модда. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда у ваколат берган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қуйидагилардан иборат бўлади:

радиациявий хавфсизликка доир талабларга риоя этилишини давлат томонидан назорат қилиш ва текшириш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш;

қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини, емларни, ичимлик ва техник сувларни, қурилиш материалларини ва улардан тайёрланган буюмларни радиациявий ифлосланиш жиҳатидан сертификатлаш;

барча турдаги қурилиш учун ер участкалари ажратилиши келишиб олинаётганда радиациявий ифлосланишни аниқлаш.

**8-модда. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат**

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилиши-

7

радиациявий вазиятни нормаллаштириш чораларини кўришга.

**25-модда. Радиациявий авария оқибатларини тугатишга жалб этиладиган фуқаролар юқори нурланиш олишининг режалаштирилиши**

Радиациявий авария оқибатларини тугатиш, авария-қутқарув ишлари ҳамда дезактивация ўтказишга жалб этиладиган фуқаролар юқори нурланиш олишининг режалаштирилиши фақат одамларни қутқариш ва уларнинг янада кўпроқ нурланиш олишининг олдини олиш заруратидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Радиациявий авария оқибатларини тугатишга жалб этиладиган фуқароларнинг нурланиш олиши белгилаб қўйилган гигиена нормативларидан ошмаслиги керак.

Радиациявий авариялар оқибатларини тугатишга жалб этиладиган фуқаролар юқори нурланиш олишининг режалаштирилишига уларнинг ихтиёрий розилиги бўлган ҳамда эҳтимол тутилган нурланиш дозалари ва соғлиқ учун зарари тўғрисида олдиндан хабардор қилинган ҳолда уларнинг ҳаёти мобайнида бир марта йўл қўйилади.

Мазкур ишларни бажариш учун жалб этиладиган шахсларга хавф юқори бўлганлиги учун тўланадиган товон ҳамда радиация

22

ланиш манбаларини қазиб олувчи, ишлаб чиқарувчи, ҳосил қилувчи, қайта ишловчи, улардан фойдаланувчи, уларни сақловчи, уларга хизмат кўрсатувчи, уларни ташувчи, зарарсизлантирувчи ва кўмиб ташловчи юридик ва жисмоний шахслар;

**кузатув зонаси** — радиациявий мониторинг ўтказиладиган санитария-муҳофаза зонасидан ташқаридаги ҳудуд;

**радиациявий авария** — ускуна носозлиги, ходимлар(персонал)нинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар туфайли келиб чиққан, фуқароларнинг белгиланган нормалардан кўпроқ нурланиш олишига ёки атроф муҳитнинг радиоактив ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган ёхуд олиб келган ионлаштирувчи нурланиш манбаи устидан бошқарувнинг издан чиқиши;

**радиациявий хавфсизлик** — фуқаролар ва атроф муҳитнинг ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофазаланганлик ҳолати;

**санитария-муҳофаза зонаси** — ионлаштирувчи нурланиш манбаи атрофидаги ҳудуд бўлиб, у ерда фуқароларнинг нурланиш олиш даражаси мазкур манбадан нормал фойдаланиш шароитида аҳоли учун нурланиш до-

3

сабабли юзага келган нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган тартибда яратиладиган нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизими доирасида амалга оширилади.

**19-модда. Тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда фуқароларнинг радиациявий хавфсизлигини таъминлаш**

Тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда фуқароларнинг оладиган нурланиш дозалари радиациявий хавфсизликнинг белгилаб қўйилган нормаларига мувофиқ бўлиши керак.

Тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда фуқароларни муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланиш лозим.

Фуқаро талаби билан унга тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда олиниши кутилаётган ёки у олаётган нурланиш дозаси тўғрисида ва бунинг эҳтимол тутилган оқибатлари хусусида ахборот берилади.

Фуқаро тиббий рентгенорадиологик муолажалардан воз кечиш ҳуқуқига эга, эпидемиологик жиҳатдан хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида ўтказилаётган профилактик тадқиқотлар бундан мустасно.

16

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш, улар учун технологик асбоб-ускуналарни, радиациядан муҳофазалаш воситаларини яратиш ва тайёрлаш, шунингдек, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш белгиланган тартибда берилган лицензиялар асосида амалга оширилади.

**11-модда. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида нормалаштириш**

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида нормалаштириш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тасдиқланадиган ҳамда рўйхатга олинадиган радиациявий хавфсизлик санитария нормалари ва қоидаларини, гигиена нормативларини, давлат стандартларини, қурилиш нормалари ва қоидаларини, меҳнат муҳофазаси қоидаларини, радиациявий хавфсизлик бўйича йўриқномага оид, услубий ва бошқа ҳужжатларни жорий этиш йўли билан амалга оширилади.

9

### *IV. РАДИАЦИЯВИЙ АВАРИЯ СОДИР БЎЛГАНДА РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ*

**23-модда. Фуқаролар ва атроф муҳитни радиациявий авариялардан муҳофаза қилиш**

Радиациявий авариялар юзага келиши эҳтимоли мавжуд ташкилотлар қуйидагиларга эга бўлиши шарт:

потенциал радиациявий авария вазиятларининг (улар оқибатлари тахмини ҳамда радиациявий ҳолати тахмини кўрсатилган) рўйхатига;

радиациявий авария юзага келганда қарорлар қабул қилиш мезонларига;

фуқаролар ва атроф муҳитни радиациявий авария ва унинг оқибатларидан муҳофаза қилиш тадбирларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари билан келишилган режасига;

радиациявий авариядан хабардор қилиш ва радиациявий авария оқибатларининг тугатилишини таъминлаш воситаларига;

радиациядан зарарланишнинг олдини олиш тиббий воситалари ва радиациявий аварияда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш воситаларига;

ходимлар (персонал) жумласидан тузила-

20

нормалаштириш принципи — ионлаштирувчи нурланиш барча манбаларидан фуқароларнинг нурланиш олиши индивидуал дозасини йўл қўйиладиган, улар соғлиғига хавфсиз бўлган даражадан оширмаслик;

асослаш принципи — инсон ва жамият учун келтирадиган фойдаси агар (табиий радиациявий фонга қўшимча равишда) етказиши эҳтимол тутилаётган хавфдан ортиқ бўлмаса, ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланишга оид фаолиятнинг барча турларини тақиқлаш;

минималлаштириш принципи — ионлаштирувчи нурланишнинг ҳар қандай манбаидан фойдаланилганда нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини фуқаролар соғлиғига хавфсиз бўлган чегарада ва нурланиш олаётган шахслар сонини мумкин қадар оз даражада бўлишини сақлаб туриш.

**5-модда. Фуқароларнинг радиациявий хавфсизликни таъминлашдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан нурланиш оқибатида уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши;

атроф муҳитнинг, фойдаланишдаги ва истеъмолдаги предметларнинг радиациявий

5

лаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш жараёнида уларга ёндош бўладиган материаллар ва буюмлар радиациявий хавфсизликни таъминлаш талабларига жавоб бериши керак.

**17-модда. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчининг радиациявий хавфсизликни таъминлаш борасидаги мажбуриятлари**

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи қуйидагиларга мажбурдир:

радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишга;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

ионлаштирувчи нурланиш манбалари бўлмиш маҳсулотлар, материаллар ва моддалар, технологик жараёнларнинг радиациявий хавфсизлигини асослаш ва баҳолаш ишларини олиб боришга;

иш жойларида, хоналарда, ишлаб чиқариш ҳудудларида, санитария-муҳофаза зоналарида ва кузатув зоналарида радиация вазияти устидан, шунингдек, ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг чиқарилиши, ташланиши устидан ва кўмиб ташланган жойларида ишлаб чиқариш назоратини амалга оширишга;

14

тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш;

фуқароларга радиациявий хавфсизлик чора-тадбирларини ўргатиш;

радиациявий авариялар натижасида нурланишга дучор бўлган фуқароларга ёрдам кўрсатиш;

радиоактив ифлосланиш зоналарида фуқароларнинг яшашига доир алоҳида режимларни жорий этиш;

тегишли ҳудудда радиациявий авариялар оқибатларини бартараф этиш;

радиациявий авария юзага келиши хавфи бўлган тақдирда тезкор чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Радиациявий хавфсизлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар орқали ҳам таъминланиши мумкин.

**13-модда. Радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш**

Радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш радиациявий хавфсизликни таъминлаш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш, мазкур тадбирлар самарадорлигини таҳлил этиш чоғида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, радиациявий хавфсизлик соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари, шунингдек, ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан олиб борилади.

11

## Буни ҳақиқий шоу деса бўлади!

# ҚЎҚОН АРАВАДАН... «ТИКО», «ДАМАС», «НЕКСИЯ»ГАЧА





Одамзот яралибдики, ҳамиша тараққиётга интилади. Мудом узоғини яқин, оғирини енгил қилиш пайида бўлади. Бу мақсадига эришиш учун у дастлаб энг оддий, энг беминнат улов воситаларидан унумли фойдаланган. От, эшак, туя, фил, кези келганда, ҳатто беозору беором буғу-кийиклар, ўзининг вафодор дўсти — итлар кучига таянган. Уларнинг қай бирларига эгар-жабдуқ уриб, устига тахту равон ўрнатган. Қай бирларига омоч-бўйинтириқ кийдириб, араваю чана қўшган.

Мавриди келганда, бу жониворлар қўмагида улоқ чопган, пойгалар уюштирган. Кўнгилочар ўйинларни ва спорт турларини ривожлантирган.

Шубҳасиз, кейинчалик илм-фаннинг ривожланиши натижасида жонли уловлар ўрнини кучли-чопағон, ихчам-қулай транспорт воситалари эгаллади. Айниқса, иккинчи мингйилликнинг сўнгги юз йиллиги тарих саҳифаларига техника асри сифатида кириб келди. Айни даврда мазкур соҳа шу даражада жадал ривожландики, бугун инсон ҳаётини, лоақал





бир лаҳза-бир зум бўлсин, техникасиз тасаввур этиш даргумон бўлиб қолди. Оддий велосипеддан тортиб йўловчилар ташишга мўлжалланган турли-туман машиналаргача, юк автомобилларию оғиркарвон поездлардан тортиб, улкан кема ва авиаучоқларгача — барча-барчаси бугун аҳли башарият измида ва хизматидадир.

Бас, шундай экан, асрлар оша замин фарзандлари корига яраб келган эски уловларни эсдан чиқариш, энди




кераги йўқ деб, бир четга суриб қўйиш жоизмикин? Йўқ, албатта!

Қарангки, мана шу оддий ҳақиқатни «Ўзавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти ва «АВТОҳамроҳ» журнали таҳририяти ходимлари унутмаган эканлар. Яқинда улар ўзаро ҳамкорликда ажойиб ишга қўл урдилар. «Соғлом авлод йили»га бағишлаб кўҳна русумдаги машиналар автошоусини ўтказдилар.

Тадбир кечки пайт — соат 17 да бошланди. Меҳмонларни шоу ташаббускорлари хушнуд кутиб олдилар.



Ўзбек эстрадасининг таниқли хонандалари даврага файз киритдилар. Улов ишқибозлари кўргазмага қўйилган, турли йилларда ишлаб чиқарилган ранг-баранг русумли транспорт воситаларини қизиқиш билан кузатдилар. Улар орасида асл ватани Ўзбекистон бўлмиш Қўқон аравадан тортиб эндиликда мамлакатимиз фахрига айланган «Тико», «Дамас», «Нексия»гача бор эди. Ва, адашмасак, шундай бўлиши табиий ҳам эди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** автошоудан лавҳалар.
**Т. КРАВЧЕНКО** олган суратлар.

ни назорат қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси амалга оширади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар амалга оширади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жамоат назорати нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан амалга оширилади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назоратни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

**9-модда. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш объектларининг давлат экспертизаси**

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш объектлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда давлат экологик, радиация-гигиена ва техникавий экспертизасидан ўтказилиши шарт.

**10-модда. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш**



Буклаш чизиғи

**20-модда. Санитария-муҳофаза ва кузатув зоналари**

Фуқаролар ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланилаётган объектлар жойлашган ерда санитария-муҳофаза ва кузатув зоналари белгилаб қўйилади.

Санитария-муҳофаза зоналарининг ўлчамлари ва чегаралари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан белгиланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади.

Санитария-муҳофаза зонасида одамларнинг доимий ва вақтинча яшаши, шунингдек, ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш объектларининг ва бошқа объектларнинг жойлаштирилиши тақиқланади.

Санитария-муҳофаза зонасида жойлашган мавжуд объектлар ва иншоотлардан, уларнинг йўналиши ўзгарган тақдирда, хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсати билан йўл қўйилади.

Кузатув зонаси, унинг ўлчамлари ва чега-



Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДА

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек, атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ионлаштирувчи нурланиш** — радиоактив парчаланишда, ядровий эврилишларда, моддадаги зарядланган зарралар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил бўладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил қутбли ионларни ҳосил қиладиган нурланиш;

**ионлаштирувчи нурланиш манбаи** — ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи ёки чиқаришга қодир бўлган қурилма ва (ёки) радиоактив модда;

**ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар** — ионлаштирувчи нур-



Буклаш чизиғи

таъсирида соғлиғига етказилган зарарни қоплаш турлари ва миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

## V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**26-модда. Халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**27-модда. Низоларни ҳал этиш**

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**28-модда. Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 31 август.



Қирқиш чизиғи

## III. РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ТАЛАБЛАР

**12-модда. Радиациявий хавфсизликнинг таъминланиши**

Радиациявий хавфсизлик қуйидаги йўллар билан таъминланади:

радиациявий хавфсизликни таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланилганда фуқаролар олган нурланишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизимининг амал қилиши;

радиациявий таъсир туфайли фуқаролар соғлиғига зарар етказилиши хавфи юқори бўлганлиги учун тўланадиган товон турлари ва миқдорларини белгилаб қўйиш;

радиациявий авария натижасида фуқаролар соғлиғига ҳамда улар мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият турларини белгилаш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг экспорт ва импорт қилинишини давлат томонидан тартибга солиш;

тиббий-профилактик тадбирлар ўтказиш;

радиациявий вазият ҳамда радиациявий хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари



ходимлар (персонал) нурланиш олганлигининг индивидуал дозалари назоратини ва ҳисобини олиб боришга;

ишлаб чиқариш раҳбарларини, ходимлар (персонал)ни, ишлаб чиқариш назорати хизмати мутахассисларини тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва аттестациядан ўтказишга;

ходимлар(персонал)ни уларнинг иш жойларидаги ионлаштирувчи нурланиш даражалари хусусида ҳамда улар олган нурланишнинг индивидуал дозалари тўғрисида мунтазам хабардор қилиб боришга;

ходимлар (персонал) тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил этиб туришга;

ишлатилмаётган ионлаштирувчи нурланиш манбаларини кўмиб ташлашни таъминлашга;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органларининг талабларини бажаришга.

**18-модда. Нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш**

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланишда, тиббий рентгенорадиологик муолажалар ўтказилганда фуқаролар олган, шунингдек, табиий радиациявий фон ва техноген равишда ўзгарган радиациявий фон



засининг белгиланган асосий чегарасидан ошиши мумкин;

**табиий радиациявий фон** — космик нурланиш орқали ҳамда ерда, сувда, ҳавода, биосферанинг бошқа элементларида, озиқ-овқат маҳсулотларида ва инсон организмида табиий равишда тақсимланган табиий радионуклидларнинг нурланиши орқали ҳосил бўладиган нурланиш дозаси;

**техноген равишда ўзгартирилган радиациявий фон** — инсон фаолияти натижасида ўзгарган табиий радиациявий фон;

**ходимлар (персонал)** — бевосита ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан доимий ёки вақтинча ишлайдиган ёхуд иш шароитларига кўра бундай манбалар таъсир зонасидаги жисмоний шахслар;

**ядровий хавфсизлик** — ядровий материалдан хавфсиз фойдаланишни таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи.

**3-модда. Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**4-модда. Радиациявий хавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари**

Радиациявий хавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:



диган авария-қутқарув бўлинмаларига.

**24-модда. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчининг радиациявий авария содир бўлган пайтдаги мажбуриятлари**

Радиациявий авария содир бўлган тақдирда ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи қуйидагиларга мажбурдир:

ходимлар(персонал)ни ва аҳолини радиациявий авариядан ҳамда унинг оқибатларидан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилишини таъминлашга;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилишга;

жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришга;

радиоактив ифлосланиш ўчоғи доирасини камайтиришга ва атроф муҳитга радиоактив моддалар тарқалишини бартараф этишга;

радиациявий авариянинг кечишини ва радиациявий авария вақтидаги радиациявий вазият ўзгаришларини таҳлил қилишга ҳамда уларнинг тахминий чизгиларини тайёрлаб қўйишга;

радиациявий авария тугатилганидан кейин



Қирқиш чизиғи

Радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш қуйидаги асосий кўрсаткичларни ўз ичига олади:

атроф муҳит радиоактив ифлосланишининг тавсифи;

радиациявий хавфсизлик тадбирларининг таъминланиши ҳамда радиациявий хавфсизлик нормалари ва қоидалари ҳамда гигиена нормативларининг бажарилиши таҳлили;

радиациявий авариялар эҳтимоли ва уларнинг кўлами;

радиациявий аварияларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга тайёргарлик даражаси;

ходимлар (персонал) ва аҳоли ионлаштирувчи нурланиш барча манбаларидан олаётган, олган ва олиш эҳтимоли бўлган нурланиш дозаларининг таҳлили;

нурланиш дозаларининг белгилаб қўйилган асосий чегарасидан юқори бўлган нурланишга дучор бўлган шахслар сони.

**14-модда. Радиация-гигиена паспорти**

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчининг радиация-гигиена паспортига ҳар йили радиация хавфсизлигини баҳолаш натижалари киритиб борилади.

Радиация-гигиена паспортларини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.



**15-модда. Табиий радионуклидлар таъсир этиш чоғида радиациявий хавфсизликни таъминлаш**

Ер участкаларини танлаш, бинолар ҳамда иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуриш хоналар ҳавосига табиий радионуклидлар тушишини бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиб олиш, бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш хоналари ҳавосидаги табиий радионуклидларнинг мавжудлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Радиациявий хавфсизлик нормативларига жавоб бермайдиган қурилиш материаллари ва буюмларидан фойдаланиш тақиқланади.

Турар жой ва ишлаб чиқариш хоналарида аҳоли ва ходимлар(персонал)нинг табиий радионуклидлар оқибатида нурланиш олиши белгилаб қўйилган нормативлардан ошмаслиги керак.

**16-модда. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳамда ичимлик сувидан фойдаланишда радиациявий хавфсизликнинг таъминланиши**

Озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви ҳамда уларни тайёр-



ҳолати, радиациявий хавфсизликни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, ўзлари олган нурланиш дозаси тўғрисида тўлиқ ва холис ахборот олиш;

радиациявий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокамасида иштирок этиш.

Фуқаролар қуйидагиларга мажбурдирлар:

радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, радиациявий хавфсизлик соҳасида тартибга солишни амалга ошираётган давлат органларининг талабларини бажаришга.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролар бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда улар зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**6-модда. Айрим тоифадаги фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси**

Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқаролар ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий ҳимоялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## II. РАДИАЦИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ



Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш уларни ишлатишнинг барча турларида мажбурийдир.

Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланиши ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан таъминланади.

Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш техник ва ташкилий чоралар мажмуини режалаштириш ҳамда амалга ошириш ягона тизимини назарда тутади, бу тизим қуйидагиларга йўналтирилган бўлади:

радиоактив ва ядровий материаллар жойлашган ҳудудга рухсатсиз киришнинг, шунингдек, уларнинг талон-тарож қилиниши ёки шикастланишининг олдини олиш;

йўқолган ёки ўғирланган радиоактив ва ядровий материалларни топиш ва қайтариш.

Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш устидан назоратни Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги амалга оширади.

Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.



# ҲОКИМЛИК ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАДИ



«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

**Таҳририят Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги Қ. Укубоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасида истиқомат қилувчи А. Абдумуротов, Б. Лапасов ва бошқа фуқаролар имзо чеккан шикоят хати олган эди. Унда Мардон қишлоғида вужудга келган маиший муаммолар ҳақида гап боради. Чунончи, ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласи ҳал этилмаган. Қишлокда автобекат йўқ. Шу боис автобусларнинг бирортаси бу ерда тўхтамай ўтиб кетади. Фуқаролар фарзандлари эса туман марказидаги мактабларда ўқишади.**

Фуқароларнинг кўтарган муаммолари бўйича туман назорат инспекцияси раҳбари — туман ҳокимининг ўринбосари жаноб О. Усмоновдан жавоб мактуби олинди. Унда туман ҳокимлиги фуқаролар шикоят хатининг тўғрилигини тасдиқлайди, деб алоҳида таъкидланади. Қишлоқ газ билан таъминланмаган, ичимлик суви эса махсус идишларда етказиб берилаётганди. Техниканинг носозлиги туфайли бу борада узилишлар рўй берди.

Туман ҳокимлиги мавжуд шароитдан келиб чиқиб, махсус тадбир белгилади. Унга асосан «Мардон» қишлоғи аҳолиси 2000 йилнинг тўртинчи чорагида ичимлик сув билан, 2001 йилнинг биринчи чорагида эса табиий газ билан таъминланади.

Мазкур қишлоқ ҳудудидан ўтган Гулистон — Гагарин автомобил йўли ҳозирги кунда кенгайтирилаётганлиги сабабли автобекат қуриш 2001 йилнинг биринчи чорагига қолдирилди. Белгиланган тадбирларнинг ўз муддатида бажарилиши учун туман ҳокимлиги томонидан барча чоралар кўрилади.


РЕСПУБЛИКА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТЕНДЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШҚАРМАСИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

**Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси номидан вилоят Давлат солиқ бошқармасининг маъмурий биноси объекти қурилишига бош пудратчи танлаш бўйича**

**ОЧИҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

*Тендерда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.*

*Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2000 йилги қурилиш объектлари Манзилли дастурига асосан ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади ва 2001 йилнинг 31 августигача якунланиши шарт.*

*Пудратчи ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: зарур бўлган профессионал ва техник малакага, молиявий имкониятларга ва материаллар захирасига, ишчи ресурсларига, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ва юридик хуқуққа эга бўлишлари, тажрибали ва ишончли бўлишлари.*

*Пудрат савдоларида иштирок этишни хоҳловчилар тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан тендер ташкилотчиси — Пудрат савдолари(тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш Жиззах вилоят бошқармасига 2000 йил 19 октябр соат 18.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари лозим: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй (вилоят ҳокимлигининг эски биноси), 530, 532-хоналар.*

**Тел.: 6-14-66, 6-05-42.**

**Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг нархи 15000 сўм.**

**Оферталар тендер ташкилотчиси томонидан 2000 йил 20 октябр соат 9.00 гача қабул қилинади. Оферталарни очиш 2000 йил 20 октябр соат 10.00 да қуйидаги манзилда амалга оширилади: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй, вилоят ҳокимлиги биноси, 1-қават, мажлислар зали.**

Нафосат сабоқлари

# НИЯТИМИЗ ПОК БЎЛСА...



Дарвоқе, аёл нафақат уйда, кўчада ҳам ораста ва кўримли юрмоғи керак. Қуръони Каримнинг ҳар бир сўзи муқаддасдир ва яхшиликка чорловчидир, кўзлаган нияти эзгу ва умуминсонийдир. Аммо бу муборак сўзларнинг баъзан тор талқинларига дуч келамиз. «Аёл фақат эрига ёқиш учун ясаниши керак» деган писандалар аёлларда орият уйғотади. Уларнинг елкасида жуфтларидан ташқари ҳам инсоний қарзу фарзлари бисёр. Аёл рўзғор деган тоғни бир умр тортиб бориши учун Оллоҳ қўшган елкадоши, ғамгузори, ҳамма йўқотганларининг ўрнини тўлдирадиган шу кишисининг тилини топиши, кўнглига йўл излаши керак, аммо унга асосан комил инсон бўлишга интилмоғи буюрилади. Шуни айтмасам бўлмаски, фозил эркакларимиз бурч ҳақида гапираётганларида Оллоҳнинг суюмли бандалари қаторида бўлган аёл зотига, аввал, қарз эҳтиромларини билдириб, «эркак ҳам аёлининг ҳурмат-иззатларига муносиб бўлиши кераклиги, аёлига ёқиб яшаш эркакнинг ҳам вазифаси эканлигини» яхшилаб уқтирганларидан сўнггина аёлларнинг вазифаларини санашга ўтсинлар.

«Аёл кўчага ясаниб чиқмасин» деган даъватлар гоҳо газакли жаранглайди, урғуларида эркакча худбинлик, қизғониш сезилади, ҳатто аёллар уйда ўтира қолса, деган хоҳишлари бордай! Эркаккадир, аёлгадир гумон билан қараш Ислом динида қаттиқ қораланади. Замон ва макон талабига кўра аёллар ижтимоий ҳаётнинг ҳамма тармоқларида фаолият кўрсатаяптилар. Қанийди, тўрт тарафимиз бут бўлиб, эрлар топар-мон-тутармон бўлиб, биз фақат бола тарбияси билан шуғуллансак! Аммо бугун меҳнат жабҳаларидаги аёлларни уйга қайтарсак, жамият ҳаётининг жон томирлари узилмайдими, мувозанат бузулмайдими?

Бир даврада шундай савол беришди: «Масалан, эркак кўчада кетаяпти, ёнидан чиройли аёл ўтиб қолди, қарабсизки, мана шу аёл эркакнинг ҳушини ўғирлаб, ҳалолу пок одамнинг фикри булғанишига сабаб бўлди. Демоқчиманки, аёллар очиқ, ясаниб юрмасинлар!» — дея луқма ташлади. Ўшанда берган жавобимни шу ўринда келтиргим келди. Аввало, мусулмон одам келаётган аёл эканлигини билгач, дарҳол ўзини четга олади ва бегона аёлга ҳаргиз синчков назар солмайди! Учраган кўримли аёлга ҳуши учиб, кўнгли суст кетадиган эркак Оллоҳ талабларини бот-бот унутадиган, нафси ружуда бўлган бандадир. Бундай одамнинг нафақат юзи очиққа, паранжили аёлга ҳам ҳуши кетаверади. Ҳатто девор орқасидан ёқимлироқ овоз эшитилса, мўралагиси, қўйиб берсангиз, ошиб тушгиси келиб туради. Биродар, Оллоҳ бандасига буюк неъмат — тафаккур берган, у ҳамиша шайтон васвасаларидан асрагувчи яроғдир, ҳар кимни ўшанга суянтирсин!

Кўчага чиққанки зот айниб кетаверса, атрофдаги шунча савоб, қутлуғ ишларни ким яратибди! Ким билан гаплашсангиз, кимнидир дуо қилади, дуо олаётганлар худо ярлақаган одамлардир. Шулар бизни тўрт тарафдан ўраб туради. Демак, яхшилар кўп, яхшилик ҳамиша мавжуд. Фақат покиза рангларни кўра билиш керак. Покизаликни эса фақат ўзи поклар танийди.

Камина ҳам умр бўйи юзи очиқлар қаторида яшаб келдим ва умр бўйи мўъжаз ақлим етганча инсоний гўзалликлар хусусида қалам юритдим. Аммо ҳеч қачон кўчадаги эркакларнинг барини ёмонга йўймадим. Жим оқадиган дарё ҳам эмасман, катта-ю кичик эркак сафдошга баҳорий очиқ кайфият билан муомала қилдим. Аммо бирор марта шу тоифанинг бирор вакили, ҳатто феъли енгилроқ ҳисобланганини ҳам менга бежо, малолли сўз қотмаган. Самимийлик нопокликка йўл қўймаслигини умр бўйи кўриб келдим. Ўқиш, иш жараёнида орттирган эркагу аёл — бебаҳо дўстларим билан ҳаётим бутундир. «Ҳамма нарса ниятга боғлиқдир»! Оллоҳнинг бу каломида буюк хосият бор. Гап очиқ юришда ҳам, ясаниб юришда ҳам эмас, уйда ўтириш, кўчада ишлашда ҳам эмас. Ҳамма гап эркагу аёлнинг зоти ва нияти қандайлигида!

**Турсуной СОДИҚОВА.**

Тадбир

**Исломобод Шайхонтоҳур туманидагина эмас, пойтахтимизда ҳам энг обод, энг кўркам маҳаллалардан бири. Эътироф этиш керак, мустақиллик йиллари маҳалла қиёфаси тубдан ўзгариб, янгича жозиба касб этди. Эски, пастқам чойхона ва ошхона ўрнида муҳташам сарой қад ростлади, маҳалла гузари, тўйхона қурилди. «Кўкча» деҳқон бозори, турли-туман савдо, маиший хизмат шохобчалари қад кўтарди.**

# ИСЛОМОБОДНИНГ ЎЗ МУЗЕЙИ БЎЛАДИ

— Шаҳримизнинг ўн икки дарвозасидан бири ҳисобланган Кўкча дарвозаси бой тарихга эга, — деди Исломобод маҳалласи оқсоқоли Эркин Қосимов яқинда бўлиб ўтган «Маҳалла — тинчлик, хотиржамлик ва тотувлик маскани» деб номланган тадбирда. — Манбаларнинг шоҳидлик беришича, Кўкча соҳибқирон Амир Темур ўтган, Хўжа Аҳрор Валий зиёрат қилган, Шайх Зайниддин отадек табаррук кишилар яшаган маскан ҳисобланади. Ана шундай улуғ даргоҳни янада обод қилиш, фарзандларимизни эл-юртга садоқатли, ватанпарвар этиб тарбиялаш бизнинг зиммамизга юкланган.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик ҳозир кўп жиҳатдан маҳаллаларимизга боғлиқ. Халқимиз, «Бир фарзандга етти маҳалла ота-она» деб бежиз айтмаган. Зеро, ҳар бир кишининг рафторидан, ҳар бир оиланинг борди-келдисидан маҳалла аҳли хабардор. Огоҳликни, энг аввало, ана шу ерда шакллантириш лозим. Токи, барча гап-сўзлардан маҳалла фаоллари огоҳ бўлишсин. Ана шунда мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни ҳеч қандай куч бузолмайди.

Тадбир тинчлигу осойишталикни асраш, огоҳликка даъват мавзуида ўтган бўлса-да, бир пиёла чой устида яна қатор бошқа масалалар хусусида ҳам фикр юритилди. Шу куни шаҳардаги 186- ва 40-мактабларнинг ўн уч нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчисига Исломобод маҳалласи стипендиялари топширилди.

— Фарзандим маҳалла аҳлининг олдида кўксимни янада баланд этди, — дейди Ғуломжон ака ўғли — 186-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Азизжон Ҳакимовнинг елкасига қоқаркан. — Бугун мен унинг шаънига мустақил юрт байроғи кўтарилгандай қувонаяпман.

Ажаб эмас, бир кун келиб ўнлаб, юзлаб исломободлик Азизжону Ноилахонлар шаънига юрт байроқлари кўтарилса. Ўшанда биргина маҳалла аҳли эмас, балки бутун Ўзбекистон олқишласа, фахрланса.

Исломободдан қайтар эканмиз, ташаббускор маҳалла аҳли яна бир хайрли ишга қўл урганининг гувоҳи бўлдик. Улар ўз музейларини ташкил қилишмоқчи. Унда Кўкча дарвозасининг ўтмиши, бугуни ва эртасини акс эттиришмоқчи. Токи, фарзандлар аждодлари кимлигини, уларнинг буюк ишларини билсинлар, фахрлансинлар.

Маҳалла — тарбия ўчоғи, дейишади. Исломободда бўлсангиз, бу ўгитнинг ҳақ эканига нафақат амин бўласиз, балки жонсарагу сергак юртдошларимизнинг ташаббуси, хайрли ишларига тасаннолар айтасиз.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 286,
23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.30*
1 2 3 4 5 6





## АСРИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА МУСОБАҚАСИ

Шу кунларда жаҳон спорт жамоатчилигининг эътибори Сиднейга — асримизнинг сўнгги Олимпиада ўйинларига қаратилган. Телевизор олдига михланган миллионлаб кишилар мазкур тадбирнинг «Австралия» стадионида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимини диққат билан кузатдилар. Мусобақаларга бўлган қизиқиш эса ундан-да кучли.

XXVII Олимпиада ўйинларида иштирок этаётган 77 нафар ўзбекистонлик спортчилар ҳам баҳсларга киришдилар. Мусобақаларнинг биринчи куни 54 кг. вазнда рингга чиққан боксчимиз Алишер Раҳимов барчани қувонтирди. У дастлабки беллашувда кореялик Чом Си Хвани мағлубиятга учратди.

60 кг. вазнда гиламга тушган дзюдочимиз Алишер Мухторов фахрли 5-ўринни эгаллади. Унинг фамилиядоши Дилшод эса пистолетдан ўқ отиш бўйича 579 очко билан 9-поғонани банд қилди.

200 метрга сузиш бўйича яна бир ҳамюртимиз Олег Цветковский ярим финалгача етиб келди. Боксчиларимиздан Д. Йўлдошев (48 кг) ва Ў. Ҳайдаров (75 кг) дастлабки беллашувда мағлубиятга учрадилар. Шунингдек, дзюдочиларимиздан Мансур Жумаев (66 кг) ва Андрей Штурбабин (73 кг), сузувчимиз Мария Бугакова, гимнастикачи қизимиз Оксана Чусовитиналар совриндорлар сафидан ўрин олишолмади.

**Ўз мухбиримиз.**

● ҲИКМАТ

*Мулойимлик — ризқ сари етакловчи калит.*



Хотира

## ЯХШИЛАРНИНГ ЁДИ ЯХШИ...

*Инсон ўтган умри билан эмас, амалга оширган ишлари билан ўзидан из қолдиради. Абдумалик ота Ҳакимов номини нафақат ўзи яшаган ҳудудда, балки Бухорои Шарифда ҳам ҳурмат билан тилга олишади.*

*Эндиликда Абдумалик отадан эл корига ярайдиган ҳалол шогирдлару қўша-қўша фарзандлар, набиралар қолди.*

*Ушбу сурат ҳам тасвирда акс этган кўҳна обидалар сингари хотирага айланди.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Ўғил хоҳлайсизми ёки қиз?

ИХТИЁР ЎЗИНГИЗДА

Француз шифокорлари эр-хотин белгиланган парҳезга риоя қилишса, туғилажак чақалоқнинг жинсига олдиндан таъсир қилиш мумкинлигини айтишди. Уларнинг фикрича, башоратнинг аниқлиги 80 фоизга тенг. Ўғил кўришни хоҳлаган аёл колбаса, дудланган ва тухумли оқсил, печенье ва бисквитлар, картошка, қўзиқорин, қуритилган нўхат, банан, шафтоли, апельсин, олча, олхўри ейиши, маъданли сув ва мева шарбати ичиши керак экан. Қиз туғилишини орзу қилган она кўпроқ кальцийли маъданли сув, шоколад ва какао, тухум, қатиқ, нон, хамиртуруш ва туз солинмаган пишириқлар, гуруч, бақлажон, бодринг, пиёз, помидори, олма, нок, қулупнай, малина, ёнғоқ, шакар, асал, мураббо истеъмол қилиши тавсия этилади.

Хуллас, ўғил туғилиши учун овқатда калий моддаси, қиз учун кальций моддаси устун бўлиши керак. Марҳамат, синаб кўришингиз мумкин.



*— Вой-бўй, кўзимни қаттиқ қисиб юбордингиз-ку, Лолахон.*

**Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.**


COUNTNERPART CONSORTIUM, an international NGO focused on civil society capacity building, seeks

**NGO PROGRAM COORDINATOR FOR HEALTH NGOs**

*Duties and responsibilities;*
- participate in identifying target health NGOs
- work with target organizations to build their institutional capacity
- coordinate selected interventions with training and community mobilization specialists
- participate in developing and coordinating training and other health initiative program events
- participate in promoting the exchange of information and expertise among target health NGOs across the country
- document work with target organizations
- participate in collecting information for and preparing periodic narrative and statistical reports on program activity
- identify and write impact stories for USAID
- keep informed of health sector issues and developments in Uzbekistan and Central Asia
- other duties and responsibilities as assigned

*Knowledge skills and abilities required*
- higher education
- minimum of three years work experience with at least one years experience working in a health organization highly desirable
- knowledge of the issues, objectives and activities of the health sector
- facilitation, training and/or consulting experience required
- experience working in the NGO sector desirable
- demonstrated interpersonal skills including diplomacy, tact and the ability to negotiate and influence
- excellent communication skills: speaking, writing and listening
- ability to set priorities and manage time effectively
- advanced Uzbek language ability
- intermediate English language ability
- analytical and problem-solving ability
- ability to work both independently and an effective team member
- computer skills, including extensive experience using Microsoft Word and Excel, Internet and e-mail skills required.
- accuracy and attention to detail
- professionalism in appearance and demeanor
- willingness enhance knowledge through training and personal initiative

**Please, e-mail: ngo@cpart.uz or fax to (99871) 169-16-41 your resume/CV by September 25, 2000. No telephone inquiries, please.**

©РАПресса 3337


ЖУМБОҚ



**Бир аскарга у хизмат қилаётган бўлинмадаги фақат ўзлари соқолларини ололмайдиган аскарларнинг соқолини олиш буюрилди. Ўзига гал келганда унинг боши қотиб қолди. Нега?**

Энди шанба сонимизда берилган жумбоқнинг жавоби билан танишинг. (Унга тўғри жавобни биринчи бўлиб Хоразм вилояти маркази Урганч шаҳридан Зокир ОТАЖОНОВ хабар қилди).

Тўғри жавоб қуйидагича: Демак, ихтиёримизда учта идиш — 12 литрли, 7 литрли ва 5 литрли идишлар бор.

12 литр сутни тенг иккига бўлиш учун аввало 5 литрли идишни тўлдирамиз, энг катта идишда 7 литр қолади.

Энди 5 литр сутни 7 литрли идишга соламиз. Сўнг энг катта идишдаги 7 литрдан 5 литрини қуйсак, унда 2 литр қолади.

Яна 7 литрлини 5 литрлидаги сут ҳисобидан тўлдирамиз, натижада тагида 3 литр қолади.

7 литрли идишга тўла сутни 12 литрлидаги 2 литр ёнига қўшсак 9 литр бўлади. Шунда 5 литрли идишдаги 3 литрни 7 литрли идишга ўтказамиз.

Яна 9 литр сутда 5 литрга тўлдирсак, энг катта идишда 4 литр, 7 литрлида 3 литр қолади. 5 литрли идишдаги сутдан 7 литрлидаги 3 литр ёнига қуйсак, 1 литр ортиб қолади.

Энди 7 литрли идишдагини энг катта идишдаги 4 литрга тўлиқ солсак, 11 литр бўлади. Энг кичик идишда қолган 1 литрни ўртанча идишга ўтказиб, сўнг 11 литрли сутдан 5 литрлига қуйсак, 1-идишда 6, 2-сида 1, 3-идишда 5 литр қолади.

Энг охирги идишдаги 5 литрни ўртанча идишга қуйсак, 6 литр, 1-идишда ҳам 6 литр сут бўлади, яъни тенг бўлинади.

Европа Иттифоқи Тасис-ТЕФАП-2 «Фермер ва қишлоқ хўжалик ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш» лойиҳаси раҳбарияти ва жамоаси лойиҳанинг Қишлоқ хўжалик таълими ва иқтисодиёти бўйича маслаҳатчиси, иқтисод фанлари номзоди, доцент Абдулла Боймуҳамедовга падари бузруквори

**Абдулҳақ ота БОЙМУҲАМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Енгил саноат технологияси факультети деканининг ўринбосари Қ. Йўлдошевга ўғли

**БАХТИЁРнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Олий математика кафедрасининг мудири А. Мамановга волидаи муҳтарамаси

**Тожихон ая ҚОСИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.